

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАР ДАВУРБАЕВИЧ БАБАБЕКОВ

**XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒЛИ ТУМАНЛАРИДА
ЭТНОИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР (САНҒЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ
МИСОЛИДА)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акбар Давурбаевич Бабабеков

XX асрда Ўзбекистон тоғли туманларида этноиктисодий
жараёнлар (Сангзор-Зомин минтақаси мисолида)..... 3

Акбар Давурбаевич Бабабеков

Этноэкономические процессы в горных районах Узбекистана
в XX веке (на примере Сангзар-Зааминского региона) 27

Akbar Davurbaevich Bababekov

Ethno-economic processes of mountainous areas of Uzbekistan
in the XX century (on the example of Sangzar-Zaamin region). 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АҚБАР ДАВУРБАЕВИЧ БАБАБЕКОВ

**XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОН ТОГЛИ ТУМАНЛАРИДА
ЭТНОИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР (САНГЗОР - ЗОМИН
МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3PhD/Tar256 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсун Ўсарович Салимов
тарих фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Алишер Худойбердиевич Доннёр
тарих фанлари доктори, профессор

Ақбар Равшанович Тагаев
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 6 август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти. 8-қават Мажлислар зали.) Тел: (99871) 233-54-70; 71-233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) e-mail: info@fati.uz Тарих институти)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (998) 71-262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реєстр баённомаси билан)



З.С.
Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
тарих фанлари доктори,
профессор

M. X. P.

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
тарих фанлари номзоди

N. A. A.

Н. А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тарих фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Умумжаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадал ривожланиши билан дунё халқларининг иқтисодий ҳаёти ва хўжалик анъаналарида интеграциялашув жараёни фаоллашмоқда. Бу ўзига хос маҳаллий этноиқтисодий тизимлар ва хўжалик-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш жаҳонда озик-овқат хавфсизлиги, ишсизлик, аҳолининг реал даромадлари ҳамда экологик муаммоларнинг ечими сифатида мамлакатларнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот марказларида турли ижтимоий, миллий-этник ва аграр хўжалик жамиятларининг иқтисодий ҳаёти, моддий неъматлар яратиш анъаналарини тадқиқ этишга устувор масала сифатида қаралмоқда. Уларда муайян табиий-географик муҳитда яшаётган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий хилма-хиллиги, этноиқтисодий тизими каби мавзуларга иқтисодий антропологиянинг назарий ва амалий муаммолари сифатида эътибор қаратилган. Бу муаммолар БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (CSIS), Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича Европа жамияти (ESCAS), Халқаро Осиё тадқиқотлари институти (IIAS) каби халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар томонидан кўллаб-қувватланиб, шу йўналишда тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Республикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар, мамлакат равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда. “Иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанмоқда”¹. Шу сабабли, “аҳолининг турмуш фаровонлиги ва даромадларини ошириш, аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш, озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига кўмаклашиш, самарали бандликни ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қуруқлик экотизимини сақлаш”² каби муаммоларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, XX аср давомида юз берган этноиқтисодий жараёнлар ва аҳоли кундалик ҳаётидаги ўзгаришларни, этнохўжалик анъаналарини ўзига хос тарзда сақлаб қолган турли тарихий-этнографик минтакаларда шаклланган локал маданиятни тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.15-16.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги ВМҚ-841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/4013356>

4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодий ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги ВМҚ-841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ўрганишда жаҳон ва ватанимизда фаолият олиб бораётган этнология, иқтисодиёт, тарих ва бошқа фан соҳалари вакиллари этноиктисод ва этноиктисодий жараёнларга оид кенг қамровли тадқиқотлари таҳлил қилинган³. Ушбу тадқиқотда танланган мавзунинг тарихшунослигини ишлаб чиқишда манба ва адабиётлар муаммовий-хронологик тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид ишлар таҳлили ва янгича концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган муаммо доирасидаги адабиётларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Россия империяси ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар. 2. Советлар даврида нашр этилган адабиётлар. 3. Мустақиллик йилларида мавзуга оид чоп этилган илмий асарлар. 4. Хорижда нашр этилган адабиётлардан иборат.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №ОТ-Ф-109 “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сангзор-Зомин тоғли туманларида XX асрда кечган этноиктисодий жараёнларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодий антропология ва этноиктисодиёт билан боғлиқ асосий назарий-методологик ёндашувларни таҳлил қилиш, муаммонинг тарихшунослигини ўрганиш;

³ Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили ишнинг I бобида батафсил ёритилади.

Сангзор-Зомин минтақасининг этнографик жиҳатдан ўрганилишига доир асарларни, расмий архив хужжатлари ҳамда этнографик дала тадқиқотлари билан қиёслаш асосида мавзуга доир маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва холислигини аниқлаш;

тоғолди ва тоғли ҳудуд аҳолиси хўжалик фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва соҳага таъсир ўтказган асосий омилларни, савдо-сотик муносабатларининг иқтисодий жараёнлар жадаллашувидаги ўрни ва аҳоли турмуш тарзидаги ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

XX аср давомида оила иқтисодидаги даромад ва харажатлардаги ўзгаришлар динамикаси ҳамда унинг қишлоқ аҳолиси турмуш тарзига таъсирини очиб бериш;

этноиктисодий муаммолар билан боғлиқ ўзгаришларга оид масалаларни аниқлаш ва уларни ечиш учун истикболли таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисининг этнохўжалиги ва иқтисодий турмуши белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Сангзор-Зомин минтақаси аҳолиси хўжалик анъаналаридаги ўзгаришлар ва этноиктисодий янгиланишлар ҳамда унинг қишлоқ оиласи турмуш тарзига таъсирини этнологик жиҳатдан ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий таҳлил, статистик-қиёслаш, бевосита кузатув, муаммовий-хронологик таҳлил ва интервью каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

иктисодий антропологияга хос маржинализм, формализм, субстантивизм, институционализм сингари илмий тамойил ва назариялар негизида шаклланган этноиктисодиётнинг анъанавий хўжалик ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган занжирсимон ривожланиш босқичлари очиб берилган;

Сангзор-Зомин минтақасида аграр тармоқнинг устунлиги, ишлаб чиқаришда натурал ва майда товар шаклининг кўшиб олиб борилиши, ёпик тизимли уй хўжалиги, бандликнинг экстенсив типни ҳамда қўл меҳнатининг устунлиги тоғли аҳоли хўжалик фаолиятида “мироблик”, “хашар”, “ошначилик” каби норасмий жамоавийлик институтларининг шаклланишига асос бўлганлиги аниқланган;

XX аср давомида юз берган сиёсий, ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг нотекис кечиши натижасида юзага келган “тўлқинсимон иқтисодий жараён” таъсирида аҳолининг этнохўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик, уй ҳунармандчилиги) унинг моддий турмуш даражасини инкироздан сақлаб қолишда асосий омил бўлиб хизмат қилганлиги исботланган;

Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисининг маросимлар иқтисодиёти ва моддий маданият компонентларининг XX аср давомидаги даврий ўзгаришлари барқарорлашиб борган оила бюджети (даромад ва харажатлар миқдори) ҳамда даромад манбалари (томорқа, бог, чорва)га узвий боғлиқлиги

этнографик материаллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

этноиктисоднинг назарий масалаларига оид иқтисодий антропология ва иқтисод соҳалари кесишмасидаги тадқиқотчиларнинг ишлари, иқтисодий-маданий муаммоларнинг этник жихатлари тўғрисидаги мунозаралар, этноиктисодиёт тушунчаси, турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларда тоғли минтақалар аҳолиси хўжалик анъаналари ва тажрибалари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий институтларнинг этноиктисодий жараёнлардаги ўрни ва роли хусусидаги маълумотлар аниқлаштирилган;

Сангзор-Зомин минтақаси қишлоқ аҳолиси этноиктисодиёти билан боғлиқ этнохўжалик (деҳқончилик, чорвачилик, уй хунармандчилиги, савдо)нинг ижтимоий-иқтисодий муҳитдаги ривожланиш динамикаси, оила иқтисоди, тўй маросимларидаги харажатларнинг оила ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсири архив материаллари ва дала этнографик тадқиқотлар асосида таҳлил этилиб, янги маълумотлар киритилган;

Ўзбекистондаги этнологик ва антропологик фан соҳаларининг янги назарий-услубий ёндашув ва билимлар билан бойишига, этнология йўналишида мутахассислар тайёрлаш ва ўқув жараёнига инновацион ғояларни тадбиқ этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги этнология, иқтисодий антропология, тарих ва иқтисод назарияси фанларида тан олинган тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, этнографик манбалар, илмий адабиётлар ва даврий нашрларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, архив ҳужжатларидан фойдаланилганлиги (Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Жиззах вилоят архиви материалларидан фойдаланилган) олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этноиктисодиёт тушунчаси ва унинг назарий асослари, тоғли туманлар аҳолиси хўжалигида юз берган этноиктисодий жараёнлар, хўжалик билан боғлиқ халқ билим ва тажрибалари, хўжалик юритишнинг ўзига хос усулларига оид қатор янги долзарб мавзу йўналишларини аниқлашда, келгуси тадқиқотлар учун методологик-услубий ёндашувларни ҳамда назарий хулосаларини ишлаб чиқишда ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Ўзбеклар этнологияси ва тарихшунослиги”, “Маданий антропология”, “Ўрта Осиё этнологиясининг долзарб муаммолари” каби фанлардан ўқув дастурлар, услубий мажмуалар, шунингдек, иқтисодий антропология йўналишига оид ўқув қўлланмалар тайёрлашда, Ўзбекистоннинг чекка олис тоғли туманлари ёшлари орасида бандлик муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари белгилаб олишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон тоғ ва тоғолди минтақалари аҳолиси турмуш тарзидаги этноиктисодий жараёнларни

тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XX аср давомида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар (ер-сув декретлари, хусусий мулкчиликнинг бекор қилиниши, коллективлаштириш, кишлоқ хўжалигида давлат монополиясининг ўрнатилиши, национализация) натижасида юзага келган “тўлқинсимон иқтисодий жараён” шароитида аҳолининг этнохўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик, уй хунармандчилиги) унинг моддий турмуш даражасини инкироздан сақлаб қолишда асосий омил бўлганлиги хусусидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий Мерос департаменти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 01-12-03-634-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз худудида жойлашган моддий-маданий мерос ёдгорликлари тарихи ва этнологиясини ўрганишда, юртимизнинг этнотуризм салоҳиятини тўлақонли амалга оширишда ҳамда Маданият вазирлигини Маданий мерос департаменти ва Жиззах вилояти маданий мерос давлат бошқармасининг амалиёти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Сангзор-Зомин минтақаси аҳолиси хўжалик муносабатларида бирдамлик, иқтисодий ҳамкорлик ва ижтимоий ёрдам принципларига асосланган жамоавий институтлар (хашар, “ошначилик”) етакчи ўрин тутиб, ёшларни жамоавий муносабатларга ва шахсий хўжалик ҳаётини юритишда ўзига хос мактаб бўлганлигига доир илмий хулосалардан “Антропология ва этнология” йўналиши талабалари билан учрашувда ва миллий маданий марказлар билан ҳамкорликда ўтказилган маърифий-маданий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 01-07-879-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишнинг янада кучайишига, илмий ёндашувларнинг такомиллашишига ҳамда Ўзбекистон Республикасида этнология соҳасини янги босқичга кўтаришга, кўпмиллатли юртимизда миллатлараро дўстлик муносабатларни мустаҳкамлаш йўналишида истиқболдаги чора-тадбирлар режаларининг такомиллашуви имконини берган;

XX асрда тарихий-географик минтакаларга хос хўжалик муносабатларини ўрганишга бағишланган антропологик тадқиқотлар жараёнида яратилган назариялар (формалистик, субстантивизм ва институционализм) асосида иқтисодий антропология алоҳида фан тармоғи сифатида шаклланганлигига оид илмий мулоҳазалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston tarixi” телеканалининг бир қатор кўрсатувлари, хусусан, “Этно” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O'zbekiston” teleradiokanali davlat unitary korxonasining 2020 йил 16 декабрдаги 01-40-1304-сон маълумотномаси). Натижада, турли этносларнинг ўзаро маданий

алоқалари, савдо ва пул-товар муносабатлари таъсири доирасида кўп асрлик тарихга эга хўжалик анъаналарини тиклаш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 11 та илмий-амалий конференция ва 2 та халқаро илмий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (5 республика ва 4 та хорижий журналлар) мақола ва 9 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ахборотчилар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технология устувор йўналишларига мос келиши, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилигини асослаш билан бирга, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилганлиги ҳақидаги маълумотлар, диссертация тузилиши кўрсатилган.

Диссертация мавзусининг **“Этноиктисоднинг назарий муаммолари ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи боби этнослар хўжалиги ва иқтисодий муносабатларининг назарий концептуал асослари ҳамда Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисининг этнографик жиҳатдан ўрганилишига бағишланган.

Биринчи бобнинг *“Этноиктисоднинг назарий муаммолари”* деб номланган биринчи параграфида этноиктисодиётнинг янги тушунча сифатидаги этнология ва иқтисод соҳаларидаги илмий таърифи ҳамда назарий муаммолари, маржинализм, формализм, субстантивизм концепциялари, институционал назария масалаларини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Этносларнинг хўжалиги ва иқтисодий муносабатларини назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда тизимлаштириш XIX асрнинг 80-йилларидан бошланган. Дастлаб рус иқтисодчиси ва этнографи Н.И.Зибер, немис тарихий мактаб вакили К.Бюхер⁴ томонидан “примитив” ёки “ибтидоий”

⁴ Зибер Н.И. Очерки первобытной экономической культуры. – Москва: Типография В.Ф. Рихтера, 1883. – С.67; Бюхер К. Происхождение народного хозяйства и образование общественных классов (две публичные лекции) / К. Бюхер; Пер. с нем. под ред. С. Н. Булгакова. – Санкт-Петербург: М.И. Водовозова, 1897. – 91 с. // URL: <http://liber.gea.ru/action.php>; Бюхер К. Возникновение народного хозяйства. – Санкт-Петербург: Типография Н.Н. Клобукова, 1907. – 207 с.

жамиятлардаги иқтисодий муносабатлар хусусидаги турли сайёҳ, этнограф ва миссионерларнинг узук-юлуқ маълумотлари тизимлаштирила бошланган.

XX асрнинг иккинчи чорагига келиб, этнолог ва антропологлар М.Шмидт, Р.Турнвальд, М.Мосс, Б.Малиновский⁵ томонидан ибтидоий ҳаёт тарзини кечираётган этносларнинг иқтисодий турмушини мақсадли йўналтирилган дала тадқиқотларига таянган ҳолда махсус ўрганиш бошланди. Бу эса ўз навбатида ибтидоий ва анъанавий босқичдаги халқларнинг ҳўжалиги ҳамда иқтисодий муносабатларини тизимлаштиришга асос бўлди. Натижада айнан шу даврдан бошлаб, этноиқтисодиётнинг назарий муаммоларини ўрганиш сари дастлабки кадам қўйилди.

Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчи олимлар томонидан тўпланган дала этнологик маълумотлари ва уларнинг таҳлили ғарб иқтисод фанида ўша пайтгача ҳукмрон бўлган ва универсал ҳисоблаб келинган маржинализм⁶ назариясини “примитив”, “анъанавий” иқтисодга умуман қўллаб бўлмаслигини кўрсатди. Қолаверса, назарий формал иқтисод йўналишига асос солган антропологлар Р.Ферс, Д.Гудфеллоу, М.Херсковиц⁷лар иқтисодий антропологияда “примитив” жамиятлар ҳам муайян мураккаб иқтисодий муносабатлар тизимига эга эканлигини ҳамда товар-пул муносабатлари муҳим рол ўйнаган “деҳқонлар иқтисоди”ни ўрганишда маржинализм универсал назария эмаслигини яққол исботлади.

XX асрнинг 60-йилларида иқтисодий этнологияда субстантивизм⁸ (асосчилари К.Поланьи, Ж.Далтон, М.Салинз) номли янги назарий йўналиш вужудга келди. 1961 йилда “American Anthropologist” (Америка антропологи) журналида Ж.Далтоннинг “Ибтидоий жамоа ва иқтисодиёт назарияси”⁹ номли мақоласи чоп этилгандан сўнг субстантивизм ғояси этнологлар орасида машҳур бўлиб кетади. Формалистларга қарама-қарши ўлароқ субстантивистлар “примитив” ва капиталистик (бозор) иқтисоди орасидаги

⁵ Schmidt W. Die Stellung der Pygmäenvölker in der Entwicklungsgeschichte. – Menschen, 1910.; Schmidt W, Coppers W. Völker und Kulturen. – Menschen, 1924. <https://www.encyclopedia.com/people/social-sciences-and-law/anthropology-biographies/wilhelm-schmidt>; Thurnwald R. Banaro society: social organization and kinship system of a tribe in the interior of New Guinea. – New York: Kraus Reprint, 1964, p. 251-412; Ўша муаллиф. Die menschliche Gesellschaft in ihren ethno-soziologischen Grundlagen. de Gruyter, Berlin. // <https://libris.kb.se/bib/11324610>. Marcel M. Essai sur le don. Forme et raison de l'échange dans les sociétés archaïques. – London: Cohen & West, 1966. – 160 p. <https://archive.org/details/giftformsfunctio00maus>; Малиновский Б. Избранное: Аргонавты Западной части Тихого океана. – Москва, РОССПЭН, 2004. – 552 с.

⁶ Маржинализм – французча сўздан олинган бўлиб, “сўнгги”, “қўшилган” деган маънони беради. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга бўлган талаб ва унинг нархи ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Лекин, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, социологияда ҳам “marginal” атамаси қўлланилади. Ушбу атама (лотинча “marginalis” – “чеккада бўлиш”) – социологик ҳодиса сифатида изоҳланиб, инсоннинг ҳар қандай ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги “оралиқ”, “чегаравий” ўрнини англатувчи тушунчани ифодалаб, инсоннинг руҳиятида маълум из қолдириши тушунилади. Бу тушунча 1920 йилда АҚШ социологиясида иммигрантларнинг янги ижтимоий шароитларга мослашмаслик ҳолатини изоҳлашда қўлланила бошланди.

⁷ Firth R. Primitive Polynesian economy. – London, 1939. – P. 22.; Goodfellow D. Principles of economic sociology. – London, 1939. – P. 3 – 4.; Herskovits M. J. Economic anthropology. New – York, 1952. – P. 3-7, 17-23, 60, 155-163 etc.

⁸ Субстантивизм – ҳар бир жамиятда моддий бойлик ва хизматларни ижтимоий уюшган ҳолда ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол мавжуд. У айнан “иқтисодиёт” атамасининг моҳиятини субстантивистик деб атаган.

⁹ Dalton G. Economic theory and primitive society // American anthropologist. 1961. Vol. 63, № 1. – Pp. 1-25.

тафовутнинг мавжудлигига эътибор қаратишиб, ўз олдиларига формал иқтисод назариясидан фарқ қилувчи “примитив” иқтисод назариясини яратиш вазифасини қўйдилар. XX асрнинг 60-70 йиллардаги субстантивистлар ва формалистлар орасидаги баҳс-мунозаралар “примитив” иқтисодга формал ёндашув ноўрин эканлигини тасдиқлади. Лекин муайян даражада эришилган натижаларга қарамасдан субстантивистларга “ибтидоий” иқтисод илмий назариясини яратиш насиб қилмади ва бу ҳолат иқтисодий антропология ёки этноиксодиёт йўналишида чуқур назарий инқирозни келтириб чиқарди.

Меҳнат тақсимотида жамиятнинг ижтимоий бирдамлик функциясига алоҳида эътибор қаратилиши этноиктисодда янги йўналиш “институционализм” назариясига йўл очиб берди. “Институционал назария”¹⁰ аввал классик сиёсий иқтисодда, сўнгра этноиктисодда таълимот сифатида қабул қилинди ва ривожланди.

XX асрнинг 70-80 йилларда кенг тарқалган “институционализм” назарияси тарафдори сифатида Г.Мюрдал¹¹ ва этнолог Ю.В.Бромлей¹² этномаданий шароитларда иқтисодий жараёнларнинг кечиши ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда этник омилга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Шу даврдан бошлаб этносларни иқтисодий ва этник жиҳатдан таҳлил қилишга эътибор кучая бошлади ҳамда “иқтисодий-маданий” муаммоларнинг этник жиҳатларига бағишланган илмий мақолалар пайдо бўлди¹³. XX асрнинг 80-йиллари охирларида фанга “этноиктисодиёт” атамаси узил-кесил олиб кирилди. Этноиктисодиёт муаммоси кўплаб илмий соҳалар ва илмий адабиётларда нисбатан янги тушунча бўлиб, турлича талқин этила бошланди.

Бизнинг фикримизча, этноиктисодиёт ўзида ўзаро алоқа ва таъсирда бўлган этносларнинг характери, иқтисодий фаолияти, анъана ва урф-одатлари, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари, маданияти, психологияси, мафкураси, диний қарашларини тадқиқ этувчи объектив қонуниятларга асосланган илмий йўналишни ифода этади.

Дастлабки бобнинг иккинчи параграфи “*Сангзор-Зомин минтақасининг этнографик жиҳатдан ўрганилиши*” деб номланади. Ушбу параграф доирасида тадқиқ этилаётган мавзуга оид ишларни муаммовий-хронологик жиҳатдан таҳлили ва янгича концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган муаммо доирасидаги манба ва адабиётларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиб бўлиб ўрганилди: 1. Россия империяси ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар. 2. Советлар даврида нашр

¹⁰ Институционализм (лот. Institution – “одат”, “дастур”) – XX асрнинг 20-30 йилларида иқтисодий билимлар йўналиши сифатида шаклланган ижтимоий-иқтисодий омиллар мажмуи (институт)ни тадқиқ қилиш. Мазкур атама 1918 йилда Уолтон Ҳамилтон томонидан “American Economic Review” (Америка иқтисодий шарҳи) журналида чоп этилган мақолада фанга киритилган.

¹¹ Мюрдаль Г. Современные проблемы “третьего мира” (Asian Drama: An Inquiry into the Poverty of Nations): Сокр. пер. с англ. / Общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Р. А. Ульяновского. – Москва: Прогресс, 1972. – С.165–171.

¹² Бромлей Ю.В. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. – Москва: 1987. – С.33.

¹³ Рывкина Р.В. Экономическая культура как память общества // ЭКО, 1989. № 1. – С. 55-65. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskaya-kultura-v-rossii-trudnosti-i-etapy-stanovleniya>.

этилган адабиётлар. 3. Мустақиллик йилларида мавзуга оид чоп этилган илмий асарлар. 4. Хорижда нашр этилган адабиётлардан иборат.

Дастлабки гуруҳга тааллуқли адабиётларда XX аср бошларидаги Ўзбекистон тоғли туманлари, шу жумладан, Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисининг этник таркиби, деҳқончилик, чорвачилик ва савдо-сотик, қишлоқлардаги иқтисодий-ижтимоий турмуш, ҳаёт фаровонлиги даражаси ҳамда оила бюджетига тегишли айрим статистик маълумотлар С.П.Мансирев, Н.С.Ликошин, И.И.Гейер, В.И.Юферев, Н.М.Вирский, В.И.Масальскийларнинг тадқиқотларида баён қилинган¹⁴. Мазкур адабиётларнинг қиймати уларнинг шахсий кузатувларга асосланиб ёзилганлиги бўлсада, бироқ ушбу даврдаги ишлаб чиқариш, хўжалик, савдо муносабатларига доир масалалар: даврий ва илмий нашрлар, расмий статистик ҳужжатларда кўпроқ Россия империясининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ тарзда ифода этилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Иккинчи гуруҳга тегишли бўлган тарихий, этнографик ва этнологик ишларда аҳолининг миллий ва этник таркиби, анъанавий хўжалик хусусиятлари, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш фаровонлигига тўхталиб ўтилган. Хусусан, И.И.Зарубин, Н.А.Кисляков, О.А.Сухарева, М.А.Бикжанова, Б.Ф.Моногарова, Б.Х.Кармишева, К.Ш.Шониёзов, Х.Тошев, Н.Х.Азимова, Т.Х.Ташбаева ва М.Д.Савуров, Н.П.Лобачёва¹⁵нинг этник таркиб, анъанавий хўжалик, оила, маҳалла ва

¹⁴ Мансирев С.П. Базарная торговля в Самаркандском уезде // Справочная книжка Самаркандской области. 1898. Выпуск VI. – Самарканд, 1899. – С. 94-132; Лыкошин Н.С. Чапкулукская волость Ходжентского уезда. Опыт исследования экономических и бытовых условий жизни ее населения // Справочная книжка Самаркандской области. VIII. Самарканд, 1906. – 240 с.; Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. – Ташкент, 1909. – 308 с.; Ўша муаллиф: Отчёт по ревизии Туркестанского края / Сельское управление, русское и туземное дело. – СПб., 1910. – 353 с.; Юферев В.И. Хозяйственный быт киргизского, сартовского и русского населения юго-восточной части Чимкентского уезда Сыр-Дарьинской области. Данные бюджетного исследования. Т.1. Текст. – Ташкент: Типолиитография В.М.Ильина, 1910. – 580 с.; Ўша муаллиф: Хозяйство сартов Ферганской области. – Ташкент, 1911. – 124 с.; Ўша муаллиф. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. 1 отд. 1 (Приложение к отчету по ревизии Туркестанского края, произведенной по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Графом К.К.Паленом.) СПб., 1911. – С. 415-416.; Вирский Н.М. Очерк Яныкурганской волости 1912 год // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. 10. – Самарканд: Типолиитография товарищества Б.Газаров и К.Слиянов, 1912. – С. 1-67; Масальский В.И. Туркестанский край. – СПб.: Издание А.Ф.Девриена, 1913. – 861 с.

¹⁵ Зарубин И.И. Население Самаркандской области. Его численность, этнографической состав и территориальное распределение. – Л.: РАН, 1925. – 223 с.; Кисляков Н.А. К вопросу об этнографическом изучении колхозов // СЭ, №1. – М., 1952, - С. 146-152.; Ўша муаллиф. Проблемы семьи и брака в работах советских этнографов (По материалам Средней Азии и Казахстана) // СЭ, № 5. – М., 1967. – С. 92-105; Ўша муаллиф. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1969. – 240 с.; Бикжанова М. А. Семья и семейный быт в колхозе И.В. Сталина Айкыранского сельсовета Чартакского р., Наманганской области: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1953. – 180 с.; Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айкыран. Опыт этнографического изучения колхоза им. Сталина Чартакского р-на Наманганской области. – Ташкент: АН УзССР, 1955. – 238 с.; Бикжанова М.А. Семья в колхозах Узбекистана. На материалах колхозов Наманганской области. – Ташкент: АН УзССР, 1959. – 136 с.; Моногарова Б.Ф. Семья и семейный быт / Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – С. 193-243.; Кармишева Б.Х. Этнографическая группа “тюрк” // СЭ, № 1. – М.: Наука, 1960. – С. 3-22.; Ўша муаллиф. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – начало XX в) // СЭ. – М.: Наука, 1964. - № 6. – С. 35-42.; Ўша муаллиф. «Кочевая степь» Мавераннахра и ее население в конце XIX – начале XX в. (по этнографическим данным) // СЭ. - № 1. – М.: Наука, 1980. – С. 53.; Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – 294 с.;

оилавий маросимларга багишланган тадқиқотларида аксари қишлоқ оиласи ўрганилган. Тогли худудларда кечган этноиктисодий жараёнлар этнографлар назаридан четда қолган. Шунга қарамай, бу даврдаги тадқиқотлар кузатувга асосланган кенг кўламдаги ва ноёб маълумотларнинг тўплангани, таҳлили билан диққатга сазовордир. Ушбу тадқиқотчиларнинг хизматлари оила маиший турмуши, маросимларнинг анъанавий шакллари ва улардаги трансформацияларни илк маротаба кўрсатиб берибгина қолмасдан, бу муаммоларни ўрганиш усулларини ҳам яратганларидир.

Собиқ советлар даврида аҳолининг хўжалик фаолияти ва турмуш тарзига оид тадқиқотлар совет мафкураси асосида ёритилишига қарамай, уларда ўзбек халқи анъанавий хўжалиги хусусиятлари, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ҳаёти, ер-сув муносабатлари, ерга жамоавий ишлов бериш анъаналари, советларнинг хўжалик фаолиятига доир ислохотлари, жамоа хўжаликлари – колхозларнинг ташкил топиши, шу муносабат билан қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ҳаёти жиҳатлари, турмуш фаровонлигининг яхшиланиб бориши ҳақидаги мавзулар тадқиқот объектига айланди. Лекин юқорида қайд этилган тадқиқотларда Сангзор-Зомин аҳолисининг хўжалиги ва иқтисодий ҳаёти алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида тадқиқ этилмаган.

Учинчи гуруҳга мансуб бўлган мустақиллик йилларида мавзуга оид нашр этилган илмий асар ва адабиётлар мазмун-моҳияти жиҳатидан собиқ советлар даври адабиётларидан мафкуравий мазмуни ва кўлами жиҳатидан фарқ қилади. Бу борада муаллифлар жамоаси томонидан бой этнографик ва социологик материаллар асосида чоп этилган монография¹⁶ ва рисоалар¹⁷ ҳамда Т.Х.Ташбаева, С.А.Соатова, М.Б.Ўроқов, О.А.Остонов, А.Р.Тоғаев, А.Р.Қаюмовларнинг илмий тадқиқотлар¹⁸ ини киритиш мумкин. Ушбу

Шаниязов К. Узбеки-карлуки (Историко-этнографический очерк). – Ташкент: Фан, 1964. – 195 с.; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). – Ташкент: Фан, 1974. – 312 с.; Мирхасилов С.М. Социально-культурные изменения и отражение их в современной семье сельского населения Узбекистана // СЭ. №1. – М.: Наука, 1979. – С. 3-15; Тошев Х., Ўроқов М. XIX аср охири ва XX аср бошларида Зарафшон воҳаси қишлоқ аҳолисининг хунармандчилиги. – Тошкент: Фан, 1981. – 110 б.; Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент: Фан, 1987. – 100 б.; Азимова Н.Х. Система традиционного воспитания детей в узбекских сельских семьях (на примере Андижанской области): Автореф. дис... канд. ист. наук. – М.: 1987. – 19 с.; Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Ташкент: Фан, 1989. – 163 с.; Лобачёва Н.П. Брак / Семейный быт народов СССР / Отв. ред. Т.А. Жданко. – М.: Наука, 1990. – С. 448-461.

¹⁶ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 143 б.; Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2006. – 178 б.; Толипов Ф. Мозийга бўйлашган маскан (Гараша қишлоғи ҳақида тарихий-этнографик рисола). – Тошкент: Нихол, 2008. – 192 б.; Узбеки / Отв. ред. С.Н.Абашин, Д.А.Алимова, З.Х.Арифханова: Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н. Миклухо-Маклая РАН; Ин-т истории АН Узбекистана. – Москва: Наука, 2011. – 688 с.; Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 8-65; Салимов Т.Ў. Нурота ва нуроталиклар. – Тошкент: Университет, 2019. – 184 б.; Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б. 166-180.

¹⁷ Саййид Азим. Бахмалнома. – Жиззах, Сангзор, 2001. – 165 б.; Қораев С. Абдурахимов С. Тамтум ва тамтумликлар. – Тошкент: Fikr media МЧЖ, 2007. – 52 б.; Илашев А. Давр нафаси. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – 240 б.

¹⁸ Ташбаева Т.Х. Современная семья и семейный быт узбекского сельского населения: Автореф. дисс... док. ист. наук. – Москва – Ташкент, 1994. – 48 с.; Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун

этнографик, этнологик тадқиқотлар минтақавий (Фарғона водийси, Зарафшон, Тошкент, Хоразм воҳалари ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари), муаммовий-мавзувий (деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, савдо-сотик, анъанавий ва замонавий турар-жой, миллий кийимлар, таомлар, қишлоқ аҳолисининг оила ва оилавий турмуши билан боғлиқ маросимлар) йўналишларда амалга оширилган. Лекин шунга қарамасдан Ўзбекистон этнологиясида ҳозирга қадар XX асрдаги этноиктисодий жараёнлар тадқиқ этилган ишлар амалга оширилмаган.

Тўртинчи гуруҳга иқтисодий антропологияга оид муаммонинг назарий-методологик жиҳатлари ақс этган тадқиқотлар, хусусан, антропологлар Р.Ферс, Д.Гудфеллоу, М.Ж.Херсковиц, К.Поланьи, Ж.Клеммер, С.Платнер, С.Гудеман¹⁹ ларнинг асарлари киритилган.

Собиқ советлар даврида сиёсий-тоталитар назоратнинг кучлилиги натижасида, хорижлик олимларнинг мамлакатга ташриф буюриб, архив ва кутубхоналарда ишлашига, чекланган даражада бўлсада дала тадқиқотлари олиб боришига катта сиёсий тўсиқ мавжуд эди. Натижада, хорижлик тадқиқотчилар қаламига мансуб Санзор-Зомин минтақасига тегишли тадқиқотлар юзага келмади.

Мустақиллик йилларига келиб, хорижлик тадқиқотчиларга Республика эшиklarининг очилиши ва уларга қўйилган қўплаб чекловларнинг бекор қилиниши, илгари жуда кам учрайдиган ҳақиқий дала тадқиқотларига асосланган нашрлар сонининг ошишига хизмат қилди. Шунингдек, Зарафшон воҳаси ва Санзор-Зомин минтақаси аҳолисининг этноиктисодиётига доир Ф.Ж.Жанкюнис, А.С.Моррисон²⁰ тадқиқотларини, ҳамда киёсий маълумот сифатида С.Н.Абашин²¹нинг тадқиқот натижаларини шулар жумласига киритиш мумкин.

“Санзор-Зомин минтақаси аҳолисининг хўжалик анъаналаридаги ўзгаришлар ва этноиктисодий янгилашнилар” деб номланган иккинчи

диссертация. – Тошкент, 1999, – Б. 37-38.; Остонов О.А. Зарафшон воҳасидаги хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо – сотик: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2009. – Б. 15.; Тагаев А.Р. Нурота воҳасида этномаданий жараёнлар (XX асрнинг I ярми): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент, 2011. – Б. 75.; Каюмов А. Этническая ситуация на территории Южного Узбекистана в XIX – начале XX века: (по материалам Сурхан-Шерабадской долины). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011.

¹⁹ Firth R. Primitive Polynesian economy. London, 1939. – Pp. 22, 347.; Goodfellow D. Principles of economic sociology. L., 1939. – Pp. 3 – 4; Hershkovits M. J. Economic anthropology. – N. Y., 1952. – Pp. 3-7, 17-23, 60, 155-163 etc; Polanyi K. Primitive, Archaic and Modern Economies, ed. by G.Dalton, – Boston, 1971, – P.78; The new economic anthropology / Ed. J. Clammer. London – Basingstoke, 1978, – P. VII.; Plattner S. Economic Anthropology. Stanford. CA: Stanford University Press. Articles on economic features of foraging, tribal, peasant. State and industrial societies. 1989. – P. 334.; Gudeman S. Economic Anthropology. – Northampton, MA: E. Elgar. Reference essays in economic anthropology. 1999. – P. 189.

²⁰ Jankunis F.J. Samarkand: An urban study. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree doctor of Philosophy in geography, University of California, – Los Angeles, 1965. – Pp. 60-99.; Morrison A.S. Russian rule in Samarkand 1868-1910 A Comparison with British India / Submitted in fulfilment of the requirements for the degree of doctor of philosophy at the University of Oxford 5th July 2005. – Pp.186-187, 189.

²¹ Абашин С.Н. Семейный бюджет сельских узбеков // Восток, 2000. № 2. – С. 61-77; Ўша муаллиф. Советский кишлак. Между колониализмом и модернизацией: – Москва: Новое литературное обозрение, 2015. – 453 с.

бобнинг биринчи параграфида “Дехқончилик хўжалиги анъаналари ва этноиктисодий ўзгаришлар” масаласи кўриб чиқилган. Бунда тоғ ва тоғолдига хос дехқончилик турлари ва хусусиятлари классификациялаштирилиб, мазкур тизимда суғорма ва лалми дехқончилиكنинг ўрни, боғдорчилик ҳамда унинг тоғли туманлари аҳолиси оила бюджетидаги даромад хиссаси, дехқончиликдаги анъаналар этнологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилинди.

XX аср бошларида Туркистон тизмаси этаклари, Молгузар тоғолди худудларини қамраб олган Сангзор-Зомин минтақаси умумий худудининг 11,3%ни суғориладиган, 46,3% лалми адир ерлар ва 42% ишлов берилмайдиган, яъни яйлов майдонлари²²дан таркиб топганлиги, ҳамда иқлими ёзи иссиқ, куруқ, киши биров совуқлиги, ёзда суви қуриб қоладиган сойлар кўплаб учрашлиги бу худудда бир қанча локал хўжалик типлар шаклланишига замин яратган.

